



**МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА
РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР: “Е-МА’МУРИЙ ИШ” ТИЗИМИНИНГ
АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ**

Янгибаев Айбек Кидирбаевич

*Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти кафедраси бошлиғи,
подполковник, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20550797>

Аннотация: Ушбу мақолада ички ишлар органлари фаолиятида қоғозбозликдан воз кечиш, маъмурий ишларни электрон шаклда юритиш ва унинг афзалликлари ёритилган. Хусусан, ҳуқуқбузарликларни жойнинг ўзида планшет ва компьютерлар ёрдамида расмийлаштириш, электрон рақамли имзо (ЭРИ) ва QR-код орқали ҳужжатларни тасдиқлаш жараёнлари таҳлил қилинган. Шунингдек, маълумотларнинг марказлашган ҳолда тўпланиши ва идоралараро ахборот алмашинуви механизмларига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: маъмурий ҳуқуқбузарлик, рақамлаштириш, Е-ма’мурий иш, электрон баённома, электрон рақамли имзо, QR-код, ички ишлар органлари.

Ўзбекистон Республикасида инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этишга қаратилган тизимли маъмурий ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Давлат органлари ва ташкилотларида иш юритиш жараёнларини автоматлаштириш, қоғозбозликни камайитириш ва “Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади” тамойилини жорий этиш бугунги куннинг энг устувор вазифаларидан биридир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари

Contact: 99 826 99 56





тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда шаффофликни таъминлаш ва ишни юритиш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифаларидан бири саналади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлдаги “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг электрон тизимини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги 431-сон қарори қабул қилиниб, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг электрон тизимини тартибга солувчи энг муҳим нормалар белгиланди.

“E-ma’muriy ish” тизимининг моҳияти ва вазифалари. “E-ma’muriy ish” тизими – бу ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолат юзасидан маъмурий иш ҳужжатларини электрон тарзда расмийлаштириш ва шакллантириш, ваколатли органга электрон юбориш ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, жабрланувчи, гувоҳ ва холислар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, умумлаштириш, сақлаш, таҳлил қилиш, шунингдек, ваколатли органлар ўртасида идоралараро ахборот алмашишнинг ягона марказлаштирилган электрон тизимидир. Ушбу тизимда маъмурий ишлар ягона электрон иш юритув тизими орқали электрон шаклда юритилади.

Маъмурий ишларни электрон шаклда юритиш тартиби қуйидагича амалга оширилади:

- Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан маъмурий баённома ёки жарима солиш тўғрисидаги қарор ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида махсус дастурий таъминот ўрнатилган мобил





курилма (планшет) ёки компьютер ёрдамида “E-ma’muriy ish” тизими орқали расмийлаштирилади.

- Электрон шаклдаги маъмурий баённома “Фуқароларнинг биометрик ҳужжатлари электрон тизими” ёки дактилоскопик таққослаш ёхуд мультибиометрик идентификация қилиш дастурлари орқали ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаган ҳолда электрон рақамли имзо ёки электрон график имзо ҳамда QR-код билан тасдиқланади.

- Агарда содир этилган ҳуқуқбузарликлар кейинчалик аниқланган тақдирда ёки маъмурий ишлар жабрланувчининг аризаси билан кўзғатилганда, шунингдек, алоқа тармоғи мавжуд бўлмаган ҳудудларда ёхуд маъмурий ишни қоғоз шаклида шакллантиришни тақозо этадиган ҳолатларда ҳужжатлар қоғоз шаклида расмийлаштирилиб, ҳуқуқбузарлик аниқланган кунда PDF форматида сканер қилинган ҳолда белгиланган тартибда “E-ma’muriy ish” тизимига киритилади.

Фуқаролар учун яратилган қулайликлар. Маъмурий ишларни планшет ёки компьютер орқали расмийлаштираётганда ҳуқуқбузарга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жумладан, маъмурий ишнинг электрон шаклда расмийлаштирилаётганлиги тушунтирилади. Жаримани ёки зарарни ихтиёрий равишда электрон тўлов тизимлари, мобил иловалар ёки банк кассалари орқали, e-jarima.uz веб-сайти ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинети орқали тўлаши мумкинлиги билдирилади.

Фуқароларга яратилган энг катта енгилликлардан бири шундаки, ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг эллик фоизини ёки ўттиз кун ичида жарима миқдорининг етмиш фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисmini тўлашдан озод қилинади. Маъмурий





жазо қўллаш тўғрисидаги қарорнинг хос рақами ва жарима миқдори ҳақидаги маълумотлар замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ҳуқуқбузарнинг мобил телефонига SMS хабар орқали ёки почта хизмати орқали яшаш манзилига юборилади.

Ходимларнинг масъулияти ва қонунийлик кафолатлари. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишга ваколатли органлар томонидан масъул ходимларга планшетлар, ЭРИ ҳамда “Е-та’мурий иш” тизимига кириш учун мўлжалланган логин ва парол берилади. Масъул ходимлар ўзларига бириктирилган планшетларнинг бут сақланиши ва ушбу планшетдан фойдаланган ҳолда тузилаётган маъмурий баённома ва маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор учун шахсан жавобгар ҳисобланади. Ҳуқуқбузар, жабрланувчи, гувоҳ ёки холисларнинг шахсга доир маълумотлари тизимга нотўғри киритилганлиги аниқланган тақдирда, уч кун ичида ушбу маълумотларни киритган масъул ходимга нисбатан хизмат текшируви тайинланиши қатъий белгиланган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни электрон шаклда юритиш – бу нафақат давлат органлари фаолиятини тезкор ва замонавийлаштириш воситаси, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатидир. “Е-та’мурий иш” тизимининг амалиётга кенг жорий этилиши маъмурий ишларни кўриб чиқишда инсон омилини камайтиришга, қоғозбозлик ва ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олишга, энг асосийси, тизимда қонунийлик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.

Contact: 99 826 99 56



2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлдаги “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг электрон тизимини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги 431-сонли қарори.

4. Янгибаев А.К. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2023.

5. Янгибаев А.К. Йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2025.

